2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 221 (1820), 2026 йил 24 октябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ “РОСАТОМ” КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 октябрь куни “Росатом” атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.**



Учрашувда мамлакатимизда илк интеграциялашган атом электр станциясини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш ҳамда илғор технологиялар ва билимлар асосида тегишли инфратузилмани ривожлантириш масалалари диққат марказида бўлди.

Биринчи реактор биноси пойдеворини қуриш ҳамда атом электр станциясини лойиҳалаштириш ишлари изчил давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, бунда, жумладан, “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкентдаги филиали ҳамда “Росатом” компанияси объектларидаги имкониятлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, бўлажак АЭС яқинида энергия тежамкор уй-жойлар, замонавий таълим, тиббиёт ва спорт муассасалари ҳамда аҳоли учун қулай ижтимоий инфратузилмага эга атомчилар шаҳарчасини барпо этиш борасидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

**ЎзА**

# “ELDRIDGE INDUSTRIES” КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Eldridge Industries” компанияси ҳаммуассиси, раиси ва бош директори Тодд Боэлини қабул қилди.**

Учрашувда АҚШнинг мазкур етакчи корпорацияси билан йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз етакчиси ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, тоғ-кон саноати, металлургия, қурилиш соҳаларидаги шерикликни кенгайтириш ҳамда шаҳар инфратузилмасига рақамли ечимларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Музокаралар якунида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма “йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

“Eldridge Industries” активларни бошқариш, суғурта, кўчмас мулк, инфратузилма, технологиялар, спорт ва медиа соҳаларида фаолият юритувчи АҚШнинг инвестициявий холдинг компаниясидир. Бошқарувида қиймати 75 миллиард доллардан зиёд активлар мавжуд.

**ЎзА**

## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# ИЖРО ИНТИЗОМИ — ДАВЛАТ СИЁСАТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Янги Ўзбекистонда давлат бошқаруви мазмуни тубдан ўзгармоқда. “Давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” қатъий сиёсий тамойили ҳар бир идора ва раҳбар фаолиятининг амалий мезонига айланмоқда. Давлат органи фаолияти тайёрланган ҳисобот ёки ўтказилган йиғилиш эмас, одамлар ҳаётида яратилган қулайлик, ҳал этилган муаммо ва рўёбга чиққан манфаат билан баҳоланмоқда.**




Давлат бошқарувида ҳужжат қабул қилиш жараёнининг бошланиши, холос. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий қиймати белгиланган вазифалар ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиб, халқ кутган натижага эришилгандагина намоён бўлади. Чунки ҳар бир фармон ва қарор ортида муайян инсон манфаати, ҳудуд тараққиёти ва мамлакат келажагига дахлдор мақсад туради.

Ана шу талаб ижро интизомига муносабатни ҳам ўзгартирди. Илгари топшириқлар ижроси асосан ҳисобот ва ёзишмалар орқали назорат қилинган бўлса, бугун “Ijro.gov.uz” идоралараро ягона электрон тизими топшириқ ҳолати, масъул ижрочи, белгиланган муддат ва эришилган натижани реал вақт режимида кузатиш имконини бермоқда.

Биз учун асосий мезон топшириқнинг тизимда “бажарилди” деб белгиланиши эмас, унинг ижроси мазмунан тўлиқ таъминлангани ва халқ ҳаётида қандай натижа берганидир. Бу ижро интизомини маъмурий назоратдан давлат сиёсатини рўёбга чиқарадиган стратегик механизмга айлантираётган принципиал ёндашувдир.

*Давоми 3-бетда*



Муносабат

# ЭЛ ШОД БЎЛСА, МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАР

**Бугун биз янги даврга қадам қўйдик. Бу давр, аввало, тараққиётнинг суръати ҳар қачонгидан ҳам баланд экани, одамлар тафаккури кундан кунга ўзгариб бораётгани билан характерланади. Шунинг баробарида, айни кезда дунёда кечаётган мураккаб ва зиддиятли вазият ҳар вақт, ҳар бир ишда ҳушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этаётир.**

Шундай таҳликали шароитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқаро ҳамжамиятни тинчлик-осойишталик йўлини тутишга, ўзаро муроса-мадорага чорлаётгани, бу борада муҳим ташаббусларни илгари сураётгани алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли янги Ўзбекистон тараққиётнинг янги даражаларига юксалиб бораётир. Сўнгги ўн йил давомида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминламоқда. Энг аҳамиятлиси, ушбу ислоҳотларнинг натижаси юртимизнинг ҳар бир вилоятида, шаҳару қишлоқларда яққол сезилмоқда, халқимиз қалбидаги эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини тобора мустаҳкамламоқда. Мамлакатимиз етакчисининг куни кеча Қашқадарё вилоятига амалга оширган ташрифи ҳам буни тасдиқлайди.

*Давоми 5-бетда*

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Ҳурматли ички ишлар органлари ходимлари!

Қадрли генерал ва офицерлар, сержант ва сафдорлар!

Муҳтарам фахрийлар!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил этилганининг 35 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу қутлуғ кунда халқимиз осойишталигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги садоқатли хизматингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, юртимизда ўз фарзандини мактабга кузатаётган ота-онанинг хотиржамлиги, маҳаллаларимиздаги осойишта ҳаётни мустаҳкамлашда сизларнинг кундалик фидокорона меҳнатингиз ва ҳиссангиз борлигини барчамиз яхши биламиз.

Оддий инсонларнинг сизга ишонч билан мурожаат қилиши ва бундан кўнгли таскин топиши — сизнинг хизматингизга берилган энг юксак баҳодир.

Ўтган ўттиз беш йил давомида тизимда катта тажриба тўпланди, жасорат ва садоқат анъаналари шаклланди. Бугунги авлод ходимлари бу анъаналарни замонавий билим ва ёндашувлар асосида бойитиб келмоқда.

Жорий йилда маҳаллаларимизнинг қарийб ярмида жиноят содир этилмагани — ички ишлар ходимлари, маҳалла фаоллари ва аҳолининг ҳамкорликдаги меҳнати самарасидир. Энди бу тажрибани кенгайтириб, ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳит яратиш бўйича ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш кенгаймоқда. Кибержиноятларни барвақт аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилмоқда.

Гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса, ёшларимизни бу иллатлар таъсиридан асраш муҳим вазифамиз бўлиб қолмоқда. Бунинг учун замонавий билим ва пухта тайёргарлик зарур. Шу боис, кадрлар тайёрлашда назарияни амалиёт билан боғлаш, дуал таълимни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий мутахассислар тажрибасидан фойдаланишга катта аҳамият бермоқдамиз.

Миллий юксалиш йўлидаги мақсадларимиз ички ишлар органлари олдига ҳам янги вазифалар қўймоқда. Сизлардан жиноятларнинг олдини олишда ташаббускорлик, хизматда қатъий интизом ва ҳалоллик кутиб қоламан.

“Ўзингни англа ва ўзгани қадрла” деган тамойилга амал қилган ҳолда фаолият олиб бориш ички ишлар соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу — ходимнинг касбий шаънини асраши, қонунга қатъий риоя этиши ва ҳар бир инсонга ҳурмат билан муносабатда бўлишини англатади.

Сизга мурожаат қилган фуқарони диққат билан тинглаш, унинг муаммосини қонуний ҳал этишга кўмаклашиш халқнинг тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Чунки одамлар бир ходимнинг муомаласи ва хатти-ҳаракатидан бутун тизим ҳақида хулоса чиқаради.

Бугунги кунда биз илгари сураётган “Ўз” ғояси замиридаги юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси сизларнинг хизматингизда ҳам яққол намоён бўлиши керак. Ҳар бир хонадоннинг осойишталигини ўз оилангиз тинчлигидек асраш — “Ўзимнинг Ўзбекистоним” деган ифтихор ҳиссининг амалий ифодасига айланиши лозим.

Бугун тизим равнақига муносиб ҳисса қўшган фахрийларимизга алоҳида эҳтиром билдираман. Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, ўгит ва маслаҳатларингиз ёш ходимлар учун катта мактабдир.

Хизматнинг ташвиш ва масъулиятини сизлар билан бирга баҳам кўраётган ота-оналарингиз, турмуш ўртоқларингиз ва фарзандларингизга ҳам чин дилдан раҳмат айтаман. Уларнинг меҳри, сабру қаноати ва қўллаб-қувватлаши сизларга албатта куч-ғайрат бағишлайди.

Эл-юрт тинчлигини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган мард ва фидойи ходимларимизнинг хотирасини чуқур ҳурмат билан ёд этамиз. Уларнинг жасоратини унутмаслик, оилалари ва фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш — бундан буён ҳам барчамизнинг инсоний бурчимиз бўлиб қолади.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор самимий табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака, масъулиятли хизматингизда муваффақиятлар тилайман.

Эл-юрт осойишталиги йўлидаги хизматингизнинг қадри доимо баланд бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали хизмати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, ўз бурчини шараф ва масъулият билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётгани, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларидаги фаол иштироки, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўттиз беш йиллиги муносабати билан қуйидагилар мукофотлансин:

### “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Махмадкулов Дилшод Мавланович** — Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

### “Мардлик” ордени билан

**Намазов Тимур Тахирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

### “Дўстлик” ордени билан

**Есамуратова Нодира Шерданкуловна** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Хен Владимир Геннадьевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Рақамли инфратузилма ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

### II даражали “Саломатлик” ордени билан

**Каримова Ирина Маликовна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Ўзбекистон” санаторийси кардиология бўлинмаси бошлиғи

### “Жасорат” медали билан

**Зиятов Боходир Умарович** — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Камилов Тимур Юсупжанович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги департамент бошлиғи ўринбосари

**Менгнаров Уткирбек Яхшибаевич** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

### “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Бойсариев Хусниддин Эшназарович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм назоратчиси

*Давоми 2-бетда*

**Биз учун энг олий вазифа юрт тинчлигини кўз қорачиғидек асраш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдир. Энг олий мукофот эса халқ ишончи.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 24 октябрь, 221-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Газиев Мансурбек Мамарасулович** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари – жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи

**Джуманова Бахор Рустамовна** — Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлими катта терговчиси

**Милиев Шухрат Акмалович** — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

**Мирзамдамов Озод Аманович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Рахимов Хабибулла Шукруллаевич** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

**Сулеймонов Элмурод Хасанбоевич** — Наманган вилояти Чуст тумани ички ишлар бўлими маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика бош инспектори

**Толегенов Шарафатдин Низаматдинович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги патруль-пост хизмати батальони патруль-пост хизмати инспектори

**Халимов Улугбек Анварович** — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Хуббимов Низом Раббимович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи

**Шадманов Жавлон Рахматович** — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

**Эрматов Султонбек Сайидович** — Фарғона вилояти Қува тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

### “Соғлом турмуш” медали билан

**Алланазарова Салтанат Эшдавлатовна** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар ички ишлар бошқармаси хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори

**Боғбекова Дилноза Шоназаровна** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи

**Мухсинова Луиза Рамазоновна** — Бухоро тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори

### “Шуҳрат” медали билан

**Ахмедов Анвар Рахматович** — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи

**Гиясова Нилуфар Шасаитовна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи ўринбосари

**Даужанов Артур Усербаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими 3-сон ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

**Мамасолиев Элёр Турсуналиевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси иккинчи минтақавий ҳудуд бўйича патруль-пост хизмати отряди командири

**Норматов Бахтиёр Соатович** — Тошкент вилояти Зангиота тумани ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими катта эксперти

**Пардаев Ойбек Уринович** — Тошкент шаҳар Миробод тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

**Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси кафедра бошлиғи

**Тоштемиров Зокиржон Тохирович** — Андижон вилояти Булоқбоши тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Турдиев Шербек Нуриддинович** — Самарқанд вилояти Нарпай тумани ички ишлар бўлими маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика бош инспектори

**Хайдаров Шерзод Шералиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси бошлиғи

**Худайқулов Суяр Суванқулович** — Қашқадарё вилояти Китоб тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Эргашов Қахрамон Оманович** — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 23 октябрь

# ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ ФАО ТОМОНИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЖАҲОННИНГ 100 ҚАҲРАМОН АЁЛИДАН БИРИ ДЕБ ТОПИЛДИ

**БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимлари ва қишлоқ ерларини ривожлантиришда 100 қаҳрамон аёл” рўйхати эълон қилинди.**




Италиянинг Рим шаҳрида жойлашган ФАО бош қароргоҳида ушбу нуфузли эътирофга сазовор бўлганларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда одамлар ҳаётини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимларини ўзгартиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган фидойи хотин-қизлар шарафланди.

Мазкур рўйхатдан Ўзбекистон вакили — Фарғона вилоятидаги “Қува анори” агрофирмаси раҳбари Мастурахон Сайфутдинова ҳам жой олди. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, соҳага инновацион ёндашувларни жорий этиш, Анор етиштирувчилар уюшмасини ташкил этиш ташаббуси ҳамда соҳага оид дарслик ва қўлланмалар яратишдаги хизматлари учун юксак мукофотга лойиқ кўрилди.

ФАО бош директори Цюй Дунъюй ўзбекистонлик ғолибни шахсан тақдирлаб, бу нафақат шахсий ютуқ, балки Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тизими ва хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотларнинг амалий натижаси эканини таъкидлади.

Дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатидан 600 дан зиёд номзод орасидан саралаб олинган Мастурахон Сайфутдинова етакчилик салоҳияти, тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги билан жаҳоннинг 100 қаҳрамон аёли қаторидан ўрин олди.

**“Дунё” АА**

*Рим шаҳри*

**25 октябрь — Ички ишлар органлари ходимлари куни**

# ХАЛҚ ИШОНЧИ — ЭНГ ОЛИЙ БАҲО



**Азиз ТОШПЎЛАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант**

**Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “35 йил — тарих учун жуда қисқа давр. Лекин ортда қолаётган йиллар ўзининг кўлами, ютуқ ва натижалари билан асрга татигулик давр бўлди десак, асло муболаға бўлмайди”. Айниқса, геосиёсий қарама-қаршиликлар, қуролли можаролар, трансмиллий жиноятчилик, экстремистик ғоялар ва кибермакондаги янги таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда юртимиздаги осойишталикнинг қадрини ҳар қачонгидан ҳам чуқурроқ ҳис этамиз.**

Жонажон Ватанимизда тинчлик ва барқарорлик таъминлангани, аҳолининг турмуш шароити муттасил яхшиланиб бораётгани ҳамда халқаро майдонда давлатимиз нуфузининг тобора ортаётгани Президентимизнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона ва изчил сиёсати самарасидир.

## Тарих саҳифаларини варақлаганда...

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, осудаликка ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Мустақилликнинг илк йилларида мураккаб криминоген вазиятнинг юзага келиши оқибатида террорчилик хуружлари ва уюшган жиноятчиликнинг ортиши жамият барқарорлигига жиддий хавф солганди. Хусусан, бузғунчи кимсаларнинг Тошкент вилоятининг Янгиобод, Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудларига суқилиб киргани, Тошкент шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари ҳамда Андижон воқеалари барчамизнинг хотирамизда оғриқли из қолдирган.

Ушбу ҳаракатлар ортида турган ёвуз ниятли кимсаларнинг асл мақсади юртимиздаги конституциявий тузумни зўрлик билан ағдариш ҳамда тинч-осойишта ҳаётимизни издан чиқариш орқали мустақил Ўзбекистонни ўз тараққиёт йўлидан қайтариш эди. Бундай таҳликали даврда ички ишлар органларининг қанчадан-қанча ходимлари халқ осойишталиги, Ватан тинчлиги йўлида кўксини қалқон, азиз жонларини фидо қилганини барчамиз яхши биламиз.

Ҳар қандай давлатда ички ишлар органлари тинчлик-осойишталикни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиши учун қулай муҳит яратишга масъулдир.

Шу боис, ўтган 35 йилда юртимиз осойишталигини асраш, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш йўлида ички ишлар органлари ходимларидан 127 нафари мардларча ҳалок бўлди. Хизмат бурчини бажариш чоғида жонини фидо қилган ана шундай мард ва жасур ўғлонларимизнинг ёркин хотираси қалбимизда умрбод сақланади.

## Ҳуқуқий асослар яратилди

Мустақиллик йилларида ички ишлар органлари фаолиятининг турли йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик асослари босқичма-босқич такомиллаштирилди.

Масалан, 2000 йил 15 декабрда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжат терроризмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Орадан ўн икки йил ўтиб, яъни 2012 йил 25 декабрь куни “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун тасдиқланиб, ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, уни амалга оширувчи органларнинг ваколатлари ҳамда мазкур йўналишни ташкил этиш шартлари мустаҳкамланди.

Шунингдек, 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, профилактика субъектларининг вазифалари ва ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос яратди.

Бундан ташқари, 2008 йил 17 апрелдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда бу борадаги саъй-ҳаракатлар тартибга солинди. Энг қувонарлиси, 2016 йил 16 сентябрь куни “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг асосий вазифалари, принциплари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Шундай қилиб, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жиноятчиликка қарши курашиш, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигининг муайян йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим аҳамият касб этди.

## Маҳалла тинч — юрт тинч

Ички ишлар органларини халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган профессионал тузилмага айлантириш мақсадида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги 10 йилда тизим фаолияти замон талаблари асосида тубдан такомиллаштирилди. Бу даврда тизимни тартибга солувчи 82 та қонун, Президентимизнинг 26 та фармони ва 70 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 180 та қарори қабул қилинди. Натижада шахсий таркибнинг 85 фоизи қуйи бўғинга туширилиб, аҳолига яқинлаштирилди. Соҳавий хизматлар фаолиятига замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқлари жорий этилди.

Тизим фаолиятини рақамлаштириш даражаси 86 фоизга етказилиб, бу орқали фуқароларга хизмат кўрсатиш тезкорлиги оширилди ҳамда аҳоли билан ишлаётган ходимларнинг фаолиятида инсон омили иштирокига барҳам берилмоқда. Энг асосийси, хавфсизлик билан боғлиқ барча саъй-ҳаракатлар республика, вилоят ёки туман-шаҳар даражасида эмас, балки маҳаллабай амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан барча даражадаги раҳбарлар аҳоли билан ушбу тамойил асосида мулоқот қилиб, муаммоларга самарали ечим топмоқда.

Аҳолининг муаммоларини жойида ҳал этиш орқали хавфсиз муҳит яратишда “маҳалла еттилиги” фаолияти қўл келмоқда. Барча маҳаллада профилактика инспекторлари иш юритмоқда. Уларнинг асосий вазифаси маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Ҳуқуқбузарлик содир этиши ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланиши мумкин бўлган шахсларнинг муаммолари ижтимоий профилактика доирасида “еттилик” ҳамкорлигида ҳал этилмоқда. Бу маҳаллани хавфсиз ҳудудга айлантиришга хизмат қилаётир.

## Муваффақият кафолати

Сўнгги ўн йилда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида, аввало, инсон қадри, халқ манфаати ва одамларнинг бугунидан рози бўлиб яшаши мужассам.

Президентимиз илгари сурган **“Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган эзгу тамойил ички ишлар органлари фаолиятининг асосий мезонига айланди. Ҳозирги ислоҳотлар бевосита тизим фаолиятида ҳам ўз ифодасини топиб, соҳани нафақат шаклан, балки мазмун-моҳият жиҳатидан ҳам бутунлай ўзгартирди.

Жумладан, ички ишлар органлари тизимини замон талаблари асосида қайта ташкил этиш, бошқарув механизмларини такомиллаштириш, ходимларнинг профессионаллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги Ўзбекистондаги улкан ўзгаришлар даврида барқарорликни таъминлаш борасида ички ишлар органлари халқаро экспертлари томонидан Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш дастури доирасида мамлакатдаги 41 та вазирлик ва идоралар ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, Ички ишлар вазирлиги давлат хизматларини кўрсатиш йўналишида ғолиб деб топилди. Бу ютуқни Президентимиз ҳам алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, барча вазирлик ва идоралар ўртасидаги рақамлаштириш рейтингида Ички ишлар вазирлиги 2023 йилдаги 31-ўриндан 5-ўринга, ахборот хавфсизлиги рейтингида эса 51-ўриндан 1-ўринга кўтарилди.

**Ички ишлар органлари учун юқори профессионал кадрларни тайёрлаш ва халқ манфаатлари йўлида хизмат қиладиган ходимларни тарбиялаш механизми сифатида вазирлик академияси кундузги таълим шакли қабул квотаси ўтган ўқув йилида 700 тадан 900 тага оширилиб, жорий йилдан 1100 тага етказилди. Курсантларнинг ўқиш жараёни тўлиқ 4 кун назарий ва 2 кун амалий тарзда — дуал таълим шаклига ўтказилди.**

Шу билан бирга, ички ишлар органларида 3 йиллик иш стажига эга ходимлар учун масофавий таълим шакли жорий этилди ва айни пайтда 800 ўринга мўлжалланган ИИВ Малака ошириш институти Нукус филиали ҳам муваффақиятли ташкил этилмоқда.



## Келажакка қўйилган қадам

Давлатимиз раҳбари истиқлолимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мамлакатимиз мутлақо янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлаб, келгуси ўн йиллик юртимиз учун миллий юксалиш даври бўлишини қайд этди. Юртимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш ва инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган 7 та муҳим миллий дастурни эълон қилди. Мазкур дастурларнинг бешинчиси суд мустақиллигини кучайтириш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантириш этиб белгиланди.

Ушбу йўналишда кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш бўйича чораларни янада кучайтириш, яширин иқтисодиёт, уюшган жиноятчилик, аёллар ва болалар ҳуқуқларини камситишга қарши курашни янги босқичга кўтариш зарурлигига алоҳида урғу берилди.

Миллий дастурдан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган қатор муҳим вазифалар белгилаб олинди. Уларнинг бажарилиши, энг аввало, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Биз учун энг олий вазифа юрт тинчлигини кўз қорачиғидек асраш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдир. Энг олий мукофот эса халқ ишончи. Ходимларимиз ҳар куни хизматга отланар экан, доимо бир ҳақиқатни ёдда тутади: халқимизнинг тинч уйқуси — бизнинг бедорлигимизга, юртимиз осойишталиги — бизнинг садоқатимизга, мустақиллигимизнинг мустаҳкамлиги эса ҳар биримизнинг она Ватан олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишимизга боғлиқ.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш, халқни давлат идораларидан рози қилиш ва давлатни фуқарога хизмат қиладиган самарали тизимга айлантиришдир. Ижро интизоми ана шу улкан сиёсий мақсадни кундалик бошқарув амалиётига кўчирадиган асосий механизмлардан бири.

ДАВР НАФАСИ

3

2026 йил 24 октябрь, 221-сон

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# ИЖРО ИНТИЗОМИ – ДАВЛАТ СИЁСАТИ НАТИЖАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ



**Акбар ТОШҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири**

Бошланиши 1-бетда

## Сиёсий ирода ва шахсий жавобгарликка таянган тизим

Ижро тизимидаги туб ўзгаришларнинг негизида, аввало, кучли сиёсий ирода турибди. Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Фармон билан ижро натижаси учун, энг аввало, раҳбарнинг шахсий жавобгарлиги белгиланди ва барча давлат органлари учун ягона ёндашув жорий қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида “Ijro.gov.uz” тизимининг самарали ишлашига доир аниқ чоралар белгиланди. Натижада топшириқларни электрон рўйхатга олиш, ижрочини бириктириш, муддатни кузатиш ва ижро ҳолатини баҳолашнинг ягона рақамли механизми шаклланди.

Президентимизнинг 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 30 сентябрдаги тегишли қарори мазкур сиёсий талабни янада кучайтирди: топшириқ учун масъул раҳбар натижани шахсан таъминлаши, муаммони яширмаслиги ва кечикиш хавфини олдиндан бартараф этиши керак.

Ҳукуматнинг 2026 йил 20 февралдаги тегишли қарори билан эса ижро интизомига масъул тузилмалар ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш тизими жорий этилди. Шу тариқа технология, шахсий масъулият ва касбий салоҳият ягона бошқарув механизмида уйғунлаштирилди.

Адлия вазирлиги бу борада ўзига юкланган вазифани фақат статистик назорат деб тушунмайди. Биз “Ijro.gov.uz” тизимида назоратга олинган ҳар бир топшириқнинг мазмуни, амалий натижаси ва уни тасдиқловчи асосларни мунтазам кўриб чиқамиз. Чунки ортиқча оптимистик ҳисобот эмас, холис ҳолат ва реал натижа тўғри бошқарувнинг асосидир.

Бугунги кунда 378 та қонун ҳамда Президентимизнинг 4653 та ҳужжатида белгиланган 180 мингта топшириқ “Ijro.gov.uz” орқали назоратга олинган. 2025 йилдан бошлаб Президент Администрацияси раҳбарининг фармойишлари, резолюциялари ва топшириқлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси ҳам мазкур ягона назорат доирасига киритилди. Бу давлат бошқарувида тарқоқ назоратдан ягона ва яхлит ижро сиёсатига ўтилганини англатади.

2026 йилнинг январь-июнь ойларида қонунлар, Президент ва ҳукумат ҳужжатлари, шунингдек, Президент Администрацияси раҳбари фармойишлари ҳамда топшириқлари бўйича жами 63 минг 489 та вазифа ижроси кўриб чиқилди.

Айни даврда мазкур топшириқлар доирасида тизимга киритилган 214 минг 201 та ижро натижаси мазмунан экспертизадан ўтказилди. Ҳужжатлардаги камчиликлар ёки вазифа тўлиқ якунига етказилмагани сабабли 87 минг 356 та натижа, жами тақдим этилган материалларнинг 41 фоизи масъул ижрочиларга қайта ишлаш учун юборилди.

Натижада Президентимизнинг фармон ва қарорлари бўйича муддати келган 46 минг 906 та топшириқдан 46 минг 848 таси, яъни 99,8 фоизи бажарилди. Президент Администрацияси раҳбари фармойишлари ва топшириқлари бўйича муддати келган 9384 та вазифанинг 9372 таси — 99,9 фоизининг ижроси таъминланди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари бўйича муддати келган 7199 та топшириқдан 7196 таси, яъни 99,9 фоизи бажарилди. Бу давлат аппаратида “топшириқ берилди — натижа таъминланиши шарт” деган сиёсий ва бошқарув тамойили тобора мустаҳкам қарор топаётганини кўрсатади.

## Йирик сармоя ва бунёдкорлик

Ижро интизомининг ҳақиқий кўлами иқтисодиётга жалб этилган сармоя, яратилган қувват ва одамлар фойдаланаётган инфратузилмада яққол кўринади. 2026 йилнинг биринчи ярмида давлат дастурлари доирасидаги ишлар ана шундай салмоқли натижаларни берди.

Жумладан, V Тошкент халқаро инвестиция форуми якунида умумий қиймати 43,1 миллиард долларлик 166 та инвестиция шартномаси имзоланди. Бу шунчаки келишувлар портфели эмас, янги корхоналар, замонавий технологиялар, иш ўринлари ва ҳудудлар тараққиёти учун яратилган иқтисодий пойдевордир.

Аграр соҳани техник жиҳатдан янгилаш учун 400 миллион доллар йўналтирилиши кўзда тутилган. Шундан 200 миллион доллари Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалигини, яна 200 миллион доллари Хитой Экспорт-импорт банки маблағлари ҳисобидан пахта йиғим-теримини механизациялашга йўналтирилади. Мазкур маблағларнинг мақсадли ва ўз вақтида ўзлаштирилиши меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳосилни қисқа муддатда йиғиб олиш ва фермер харажатларини камайтиришга хизмат қилиши керак.

Сув хўжалигида 250 та ирригация объектида қурилиш ва реконструкция ишлари учун 1 триллион 811 миллиард сўм ажратилди. Биринчи ярим йилликда ушбу маблағнинг 958,7 миллиард сўми ўзлаштирилиб, 586,1 километр канал, 13,3 километр лоток тармоғи, 21,4 километр ёпиқ қувур, 3,6 километр босимли қувур, 30 та суғориш қудуғи ва бошқа қатор объектларда қурилиш ҳамда реконструкция ишлари бажарилди. Бу рақамлар ортида сув йўқотилишини камайтириш, ер унумдорлигини сақлаш ва деҳқоннинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашдек ҳаётий мақсадлар турибди.

> **Бугунги кунда тизим “project.gov.uz”, “loyiha.adliya.uz”, “e-qaror.gov.uz”, “lex.uz”, “Yashil makon”, “E-Ijara”, “O‘zbekkosmos”, “Shaffof qurilish”, “Shaffof yo‘l”, “Agrosubsidiya”, “Agroplatforma”, “Online-mahalla” ва “Yangi ish” каби 13 та платформа билан ўзаро маълумот алмашмоқда.**

Энергетика хавфсизлиги ва “яшил” иқтисодиёт йўналишида ҳам кенг кўламли ишлар қилинди: 120 дан ортиқ йирик қайта тикланувчи энергия лойиҳаси ишга туширилиб, қуёш, шамол ва гидроэлектр станцияларнинг жами қуввати саккиз минг мегаваттдан ошди. Ҳисобот даврида 476 та кўп квартирали уй қурилиб, 33 минг 806 та хонадон фойдаланишга топширилди. Ана шундай натижалар ҳар бир топшириқнинг ортида маблағ, муддат ва халқ олдидаги мажбурият турганини яна бир бор тасдиқлайди.

Йирик маблағ ажратишнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир сўм аниқ натижага айланиши, лойиҳа белгиланган муддатда ишга туширилиши, яратилган объект эса халққа хизмат қилиши шарт. Шу маънода, ижро назорати бюджет ва инвестиция маблағлари самарадорлигини таъминлайдиган, иқтисодий йўқотишларнинг олдини оладиган ва ислоҳотларни реал бунёдкорликка айлантирадиган муҳим сиёсий институтдир.

## Электрон платформадан “ақлли” бошқарув сари

Президентимиз белгилаб берган рақамли давлат концепцияси бошқарувни тезкор, ихчам ва инсон омилига камроқ боғлиқ қилишни талаб этади. Замонавий тизим маълумотни шунчаки қайд этмасдан, хавфни олдиндан кўриши ва раҳбарга ўз вақтида сиёсий-бошқарув қарори қабул қилиш учун асос яратиши керак. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Ijro.gov.uz” топшириқларни рўйхатга олувчи платформадан замонавий таҳлилий бошқарув тизимига айланаётгани катта аҳамиятга эга.

Тизимга сунъий интеллект элементлари жорий этилиши натижасида такрорланувчи топшириқлар автоматик равишда ажратилмоқда, ижро муддати яқинлашаётган вазифалар бўйича масъул раҳбарлар олдиндан огоҳлантирилмоқда. Бу вақтни тежаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва кечикиш хавфини камайтиришга ёрдам бермоқда.

“Ijro.gov.uz”да яратилган алоҳида модуль орқали топшириқларни назоратдан олиш ва муддатини узайтириш жараёнлари ҳам тўлиқ рақамлаштирилди. Натижада ташкилотлар тақдим этадиган ҳужжатлар сони икки баравар қисқариб, жараённинг ҳар бир босқичини кузатиш имконияти яратилди. Бу бюрократик юкни камайтириб, ижрочининг вақтини ҳисобот тайёрлашга эмас, вазифани амалда бажаришга йўналтирмоқда.

Бажарилмаслик хавфи мавжуд топшириқлар ҳар ойда сараланиб, улар бўйича таҳлилий маълумотлар ҳукуматга киритилмоқда. Бундай профилактик назорат муаммони содир бўлганидан кейин қайд этиш эмас, уни олдиндан кўриб, барвақт бартараф этиш имконини беради.

Бошқарув қарори сифати, аввало, фойдаланилаётган маълумотнинг ишончлилиги ва тезкорлигига боғлиқ. Шу сабабли “Ijro.gov.uz” бошқа давлат ахборот ресурслари билан интеграция қилинмоқда.

Бугунги кунда тизим “project.gov.uz”, “loyiha.adliya.uz”, “e-qaror.gov.uz”, “lex.uz”, “Yashil makon”, “E-Ijara”, “O‘zbekkosmos”, “Shaffof qurilish”, “Shaffof yo‘l”, “Agrosubsidiya”, “Agroplatforma”, “Online-mahalla” ва “Yangi ish” каби 13 та платформа билан ўзаро маълумот алмашмоқда.

Интеграция бир хил маълумотни қайта-қайта киритиш заруратини камайтирди, назорат жараёнини тезлаштирди ва таҳлил аниқлигини оширди. Энг муҳими, масъул ижрочи ва назорат органларининг вақт ҳамда меҳнат ресурслари тежалмоқда. Бу нафақат оддий техник қулайлик, балки қарорларни ҳисоботга эмас, ишончли ва тезкор маълумотга таянган ҳолда қабул қилишга ўтишдир.

## Мониторинг вазифаси — муаммони барвақт ҳал этиш

Барпо этилаётган янги бошқарув модели жазолашга эмас, муаммони ҳал этишга қаратилган. Назоратнинг вазифаси камчиликни қайд этиб, айбдор излаш билан чекланмаслиги керак. Асосий мақсад — ижрога тўсқинлик қилаётган омилни барвақт кўриш, давлат органига амалий кўмак бериш ва халқ кутаётган якуний натижани таъминлаш.

Президентимизнинг 2025 йил 25 июлдаги фармони ижроси доирасида Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг қўшма қарори асосида ҳудудларда 14 та ишчи гуруҳ тузилди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонунчилик ҳужжатлари ҳамда топшириқлар ижросини жойига чиққан ҳолда ўрганмоқда.

Ишчи гуруҳлардан фақат камчилик топиш эмас, масалани жойида ҳал этиш талаб қилинади. Улар методик тавсиялар беради, ижрога масъул ходимларга ҳуқуқий ва ташкилий масалаларда кўмаклашади. Бундай ёндашув марказ ва ҳудудлар ўртасидаги масъулиятли ҳамкорликни кучайтириб, хатони қайд этишдан унинг такрорланишининг олдини олишга ўтиш имконини бермоқда.

2026 йилнинг биринчи ярмида ҳудудий адлия органлари томонидан жойларга чиққан ҳолда 3485 та мониторинг тадбири ўтказилди. Ушбу жараёнда тўлиқ якунига етказилмаган 965 та топшириқ бўйича ижрочиларга амалий ёрдам кўрсатилди. Ишчи гуруҳлар кўмагида Қорақалпоғистон Республикасида 215 та, Навоий вилоятида 155 та ва Андижон вилоятида 109 та топшириқ ижроси таъминланиб, назоратдан олинди.

Бироқ амалий кўмак масъулиятсизликка кўз юмишни англатмайди. Ушбу даврда ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида давлат органлари ва ташкилотларига 31 та тақдимнома, 38 та огоҳнома ҳамда 500 га яқин огоҳлантириш хати киритилди. Топшириқлар ижросига лоқайд муносабатда бўлган 124 раҳбар ўринбосари ва масъул ижрочи интизомий жавобгарликка тортилди. Уларнинг 14 нафари лавозимидан озод этилди, 51 нафарига ҳайфсан, 59 нафарига жарима қўлланилди.

Бу чоралар давлат топшириғи ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш, халқ манфаатига бепарво муносабат учун жавобгарлик муқаррарлигини кўрсатишга қаратилган.

Ижро жараёнлари очиқлигини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан ахборот-таҳлилий материаллар ҳам тайёрланмоқда. Қонунчилик ҳужжатлари ижроси ва уларнинг инсонлар ҳаётидаги натижалари “Алоҳида назорат” ҳамда “Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда” рукнлари орқали “Ўзбекистон 24” ва бошқа телеканалларда жамоатчиликка халқчил тилда етказилди.

## Технология ортида малакали мутахассис туради

Ҳар қандай электрон тизимнинг самарадорлиги ундан фойдаланаётган ходимнинг билими, масъулияти ва касбий ёндашувига боғлиқ. Шу боис, рақамли назорат воситаларини ривожлантириш билан бирга ижро интизомига масъул мутахассислар малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 20 февралдаги тегишли қарори асосида ушбу йўналишдаги ходимларни замонавий бошқарув усуллари, электрон назорат механизмлари, таҳлил ва мониторинг кўникмаларига ўқитишнинг янги тартиби белгиланди. 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида вазирлик ва идораларнинг 180 га яқин раҳбар ходими ҳамда мутахассиси малака оширди.

> **АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ СИФАТИДА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯМИЗ ШУКИ, ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТИ ИЖРОСИ ҲИСОБОТ ЭМАС, ИНСОН ҲАЁТИДАГИ НАТИЖА БИЛАН ЯКУНЛАНИШИ ШАРТ. РАҲБАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИ ТОПШИРИҚНИ ҚУЙИ БЎҒИНГА ЮБОРИШ БИЛАН ТУГАМАЙДИ, У НАТИЖА УЧУН ШАХСАН ЖАВОБ БЕРАДИ.**

Давлат хизматчисидан бугун фақат топшириқни қабул қилиш эмас, унинг сиёсий аҳамияти ва халқ ҳаётига таъсирини англаш талаб этилади. Кучли платформа ўз-ўзидан натижа бермайди. Уни ватанпарварлик, профессионал билим ва шахсий масъулият билан ишлатадиган кадрларгина ислоҳотни реал натижага айлантиради.

## Инсон манфаати — умумий мақсадимиз

Бугун “Ijro.gov.uz” масъул ижрочининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, таҳлилий маълумот асосида бошқарув қарорини қабул қилиш ҳамда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Аммо биз тизимнинг муваффақиятини фақат рақам ва фоизлар билан ўлчамаймиз.

Ўз вақтида бажарилган топшириқ янги иш ўрни, сифатли тиббий хизмат, замонавий таълим, обод маҳалла, қулай инфратузилма ва фуқаролар учун муносиб шароит демакдир. Ҳар бир кечиккан топшириқ ортида эса ечими чўзилган муаммо ва давлатдан натижа кутаётган инсон туриши мумкин. Шу сабабли ижрога лоқайд муносабатни халқ манфаатига лоқайдлик деб баҳолашимиз керак.

Давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг бош мақсади инсон қадрини улуғлаш, халқни давлат идораларидан рози қилиш ва давлатни фуқарога хизмат қиладиган самарали тизимга айлантиришдир. Ижро интизоми ана шу улкан сиёсий мақсадни кундалик бошқарув амалиётига кўчирадиган асосий механизмлардан бири.

Адлия вазирлиги сифатида қатъий позициямиз шуки, қонунчилик ҳужжати ижроси ҳисобот эмас, инсон ҳаётидаги натижа билан якунланиши шарт. Раҳбарнинг масъулияти топшириқни қуйи бўғинга юбориш билан тугамайди, у натижа учун шахсан жавоб беради.

Янги Ўзбекистоннинг кучи қабул қилаётган қарорларимиз билангина эмас, уларни қандай қатъият, интизом ва масъулият билан ҳаётга татбиқ этаётганимизда намоён бўлади. Ҳар бир вазифага халқ манфаатидан келиб чиқиб ёндашсак, давлатга ишонч мустаҳкамланади, ислоҳотлар ортга қайтмас тус олади ва тараққиётимиз янада жадаллашади.

---

**Ҳамкорлик истиқболлари**

**Аҳолининг энергия тежамкор технологиялардан фойдаланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, хонадонларга қуёш панеллари, иссиқлик насослари ҳамда бошқа энергия тежамкор қурилмаларни ўрнатиш учун 20 фоиз миқдорида субсидия ажратиш белгиланган. Ижтимоий реестрга киритилган оилалар хонадонларига эса қуёш панеллари текинга ўрнатилмоқда.**

# “ЯШИЛ” ЭНЕРГИЯ – аҳоли учун арзон ва қулай таъминот






Тартибга кўра, аҳоли турар жойларини энергия аудитидан ўтказиш харажатлари учун 100 фоиз субсидия берилади. Шунингдек, иссиқлик насосларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатларининг 40 фоизигача қисми давлат томонидан қопланади. Қорақалпоғистонда бу борадаги амалий ишлар жадал ва изчил давом этмоқда.

— Ижтимоий ёрдам лойиҳаси Энергетика вазирлиги, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва “ACWA” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, — дейди “ACWA” компаниясининг давлат идоралари билан ишловчи координатори Алибек Камолов. — 2024 йилда бошланган лойиҳа асосида ҳудуддаги 810 та хонадонга қуёш панеллари ўрнатиб бердик. Болалар боғчаси, мактаб, шифохона каби 101 та ижтимоий объектда қуёш станциялари текинга ўрнатилди. Узоқ муддат электр энергияси танқис бўлган қишлоқларда 200 киловаттли 16 та қуёш станцияси қурилди. Ҳозир лойиҳанинг навбатдаги босқичи бошланди. Унинг доирасида олис маҳаллаларда 200 киловаттли 10 та фотоэлектр станциясини қуриш, 783 та хонадонни 2 киловаттли қуёш панеллари билан таъминлаш режа қилинган.

Нукус туманидаги “Дийқан арна” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам мазкур лойиҳа доирасида қатор ишлар қилиняпти. Жумладан, ижтимоий реестрга киритилган хонадонларга белгиланган тартибда текинга қуёш панеллари ўрнатилмоқда.

— “ACWA” компанияси мактабимизга 10 киловаттли қуёш панели ўрнатиб берди, — дейди Нукус туманидаги 31-умумтаълим мактаби директори Бекпўлат Тилепбоев. — Синфхоналардаги компьютер, электрон доскалар иши бевосита энергия барқарорлигига боғлиқ. Қуёш панели мактаб энергия таъминоти учун жуда яхши ечим бўлди. Масалан, ортиқча энергия давлатга сотилиб, ундан тушган пул мактабимиз ривожи учун мақсадли сарфланади.

Нукус туманидаги “Biogumus” фермер хўжалиги помидор етиштириш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. Маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқариш жараёнида экологик тоза энергиядан фойдаланиш мақсадида хўжаликка 400 киловатт қувватли қуёш электр станцияси ўрнатиб берилди.

— Тўққиз йилдан буён помидор экиб, органик усулда қуритиб, табиий ҳолда экспорт қилиб келяпмиз. Қўшилган қийматни ошириш мақсадида ҳозир консерва заводи қурдик. Заводнинг электр энергияси масаласини “ACWA” компанияси билан ҳамкорликда ҳал этдик, — дейди тадбиркор Шерзод Ниёзимбетов. — Мақсадимиз — келажакда қўшилган қийматни ошириш ва маҳсулот таннархини тушириш. Ишлаб чиқарилаётган электр энергияси тўлиқ заводни юргизишга етади. Жаҳон бозорида ўз ўрнимизни мустаҳкамлаб, янада кўпроқ иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, ушбу ҳудудда 20 та хонадонга қўшимча 5 киловаттли жами 100 киловаттли қуёш панеллари ўрнатиб берилди. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳам қуёш электр станцияси билан таъминланди.

— Нукус тумани тиббиёт бирлашмасига 20 киловаттли қуёш панели жорий йилнинг июль ойида қуриб берилди. Ҳозир муқобил энергия, асосан, туғуруқ бўлимига уланган. Ҳар қандай шароитда ҳам электрда узилишлар бўлмайди, — дейди Нукус тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи ўринбосари Сейтмурот Жақсимов.

Қорақалпоғистоннинг табиий иқлим шароитидан самарали фойдаланилиб, қайта тикланувчи энергия манбалари ривожлантириляпти. Масалан, Қораўзак, Беруний ва Қўнғирот туманларида шамол электр станциялари қурилиши белгиланган. Шу орқали аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари арзон ва ишончли электр энергияси билан таъминланади.

**Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Президентимизнинг вилоятга ташрифи Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида янги босқични бошлаб бергани, аҳоли фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларини изчил давом эттиришга замин яратгани билан ғоят аҳамиятли.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 24 октябрь, 221-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Шукуҳ



**Наргиза САЛОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**




**Мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишлар Қашқадарёда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугун ҳудудда қад ростлаётган замонавий иншоотлар, янгиланаётган инфратузилма ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар воҳанинг тобора ўзгариб бораётган қиёфасида акс этмоқда.**

# ҚАШҚАДАРЁНИНГ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН ҚИЁФАСИДА АКСЛАНАЁТГАН РИВОЖЛАНИШ ШИДДАТИ

Бу янгиланишлар нафақат ҳудудлар қиёфасини ўзгартирмоқда, балки одамлар ҳаётига янгича мазмун олиб кирмоқда, қалбига эртанги кунга ишонч бағишламоқда. Ҳа, кенг қамровли ислоҳотлар натижасида бугун иқтисодиёт ва инфратузилма билан бир қаторда аҳолининг турмуш тарзи, дунёқараши ва келажакка интилиши ҳам ўзгариб, ҳаётдаги янгиланишлар инсонлар тақдирида тобора кўп намоён бўлмоқда.

Хусусан, сўнгги беш йилда вилоятга 20 триллион сўм йўналтирилиб, 7 миллиард долларлик хорижий инвестиция жалб этилгани Қашқадарёнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилди. Бу маблағ янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш учун кенг имкониятлар очди.

Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар вилоят инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, саноат ва хизматлар соҳасини кенгайтириш орқали аҳоли фаровонлигини юксалтиришга мустаҳкам замин ҳозирлади.

Ислоҳотлар самараси вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқларидаги ўсиш суръатида ҳам намоён бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида саноат ишлаб чиқариши 8,4 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳаси 16,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги эса 4,9 фоиз ўсди. Ушбу кўрсаткичлар Қашқадарёнинг иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ҳудуд тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш борасида муайян натижаларга эришилаётганини кўрсатади.

Бугун воҳадаги қайси соҳага назар ташламанг, янгиланиш ва бунёдкорликка гувоҳ бўласиз. Қад ростлаётган янги корхоналар, барпо этилаётган замонавий инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги изчил ўзгаришлар ва ободонлаштириш ишлари Қашқадарёнинг қиёфасини тобора янгиламоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришлар нафақат маҳаллий аҳолида мамнуният уйғотмоқда, балки воҳага келаётган меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда.

“Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритаётган “Sulton Tex Group” тўқимачилик кластерининг замонавий фабрикаси ана шундай бунёдкорлик ва саноат тараққиётининг ёрқин намунасидир. Мазкур корхона вилоятнинг саноат салоҳиятини юксалтириш, иқтисодиётга инвестициялар жалб этиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётган йирик лойиҳалардан.

Умумий қиймати 54 миллион долларлик лойиҳа доирасида йилига 20 минг тонна мато ишлаб чиқариш ва бўяш қувватига эга замонавий ишлаб чиқариш линиялари



ишга туширилди. Эътиборлиси, фабрика фаолияти йўлга қўйилиши натижасида 840 та янги иш ўрни ташкил этилиб, аҳоли учун муносиб даромад манбаи ва янги меҳнат имкониятлари яратилди.

Корхонада ресурс тежамкорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, қиймати 3 миллион доллар бўлган замонавий ёпиқ сув айланиш тизимининг жорий этилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тизим ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган сувнинг 95 фоиздан ортиғини тозалаб, қайта ишлатиш имконини беради. Натижада ҳар йили 1,1 миллион куб метр сув тежалади.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида ушбу фабрикадаги ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди. Корхонадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш саноатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий ресурсларни асраш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Қарши шаҳрида фаолият юритаётган “FM World” корхонаси ҳам халқаро ҳамкорликнинг самарали намунасидир. Мазкур корхона Хитойнинг 500 та йирик хусусий корхонаси қаторидан жой олган “Jiangsu World Group” корпорацияси тармоғига киради. Бу эса вилоятда хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий технологияларни жорий этиш ва ҳудуднинг саноат салоҳиятини янада ошириш учун муҳим имкониятлар эшигини очади.

Айни пайтда корхонада “Nasaf” бренди остида беш хил русумдаги тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари йиғилмоқда. Тракторлар GPS, автопилот, ўгитлашни бошқариш ва масофадан назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланган. Бу дала ишларини аниқ бажариш, ёнилғи ва бошқа ресурслар сарфини камайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи доирасида бўлиб ўтган янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт бериш маросими ҳам том маънода воҳада кечаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, янги иқтисодий имкониятлар ва истиқболли ташаббусларнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Маросимда жами 69 та лойиҳа ишга туширилиб, яна 92 та лойиҳа қурилишига старт берилди. Ушбу ташаббуслар янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш, янги иш ўринларини очиш ҳамда ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Эътиборлиси, ҳар бир лойиҳа замирида одамлар ҳаётини яхшилаш, аҳоли даромадини ошириш ва Қашқадарёнинг тараққиёт салоҳиятини янги босқичга олиб чиқишдек эзгу мақсадлар мужассам.

Вилоятда саноат салоҳиятини юксалтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам изчил давом этмоқда. Айни пайтда ишга туширилаётган 28 та саноат корхонасида 7000 га яқин доимий иш ўрни очилмоқда. Бу эса минглаб оилалар учун барқарор даромад манбаи, инсонлар учун эса ўз меҳнати ва салоҳиятини намоён этиш имконияти демакдир.

Қашқадарёда хориж брендлари иштирокидаги ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳам кенгаймоқда. Жумладан, Италиянинг машҳур “Cotonella” бренди остида йилига 8,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу нафақат маҳаллий саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, балки миллий маҳсулотларимизнинг халқаро бозорлардан муносиб ўрин эгаллаши учун ҳам янги имкониятлар очади.

Ҳар ойнинг охирги ҳафтасида вилоят ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан учрашамиз, уларнинг таклиф ва ташаббуслари, орзу-интилишлари ҳамда муаммолари билан қизиқамиз. Ҳар бир учрашув давомида ҳудудлардаги ўзгаришлар, одамлар ҳаётидаги янгиланишларни кўриб, бу жараёнларнинг мазмун-моҳиятини янада теран англаймиз.

Бир вақтлар иш излаб, оиласи ва яқинларидан узоққа кетишга мажбур бўлган ёшлар бугун ўз маҳалласида меҳнат қилиб, даромад топмоқда. Оиласи бағрида яшаб, келажагини шу заминда қурмоқда. Бу эса жойларда яратилаётган имкониятлар, аҳоли бандлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Айтинг, ёшларнинг ўз юртида муносиб иш ва даромад манбаига эга бўлиб, оиласи даврасида фаровон ҳаёт кечираётганини кўришдан ортиқ қувонч борми?!

Президентимизнинг вилоятга ташрифи Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида янги босқични бошлаб бергани, аҳоли фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларини изчил давом эттиришга замин яратгани билан ғоят аҳамиятли.

# НИЯТИМ – МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТИШ

**Қашқадарё деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига, аввало, унинг кенг далалари, деҳқончилик ва чорвачилик анъаналари келади. Аслида, вилоятнинг иқтисодий имкониятлари чексиз. Бугун бу ерда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаб, жаҳон бозорига олиб чиқиш учун ҳам катта салоҳият мавжуд. “Wosune Food Ingredients Karshi” корхонаси ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган.**



**Сардор ИСОМОВ, “Wosune Food Ingredients Karshi” корхонаси иш юритувчиси**

Корхонамиз АҚШ инвестициялари иштирокида барпо этилган бўлиб, бугунга қадар лойиҳага 8,5 миллион доллар миқдорида сармоя киритилди. Энг муҳими, бу маблағ эвазига ишлаб чиқариш қувватлари яратилиб, 150 киши доимий иш билан таъминланди.

Корхонамиз, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Бу ерда сабзи, булғор қалампири, кўк пиёз, исмалоқ ва турли кўкатлар конвекцион ускуналарда қуритилади. Ушбу технология маҳсулотнинг табиий таъми ва озуқавий хусусиятларини сақлашга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш жараёнининг 30 фоизи роботлаштирилган.

Тайёр ингредиентлар тез тайёрланадиган таомлар, зираворлар, консервалар ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларга етказиб берилади. Маҳсулотларимиз Европа ва МДҲ давлатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонамизда қайта ишланадиган мева-сабзавотлар Қашқадарёда етиштирилади. Ҳозирги кунда асосий эътиборимиз Америка бозорига қаратилган. Корхонамиз АҚШ сармояси иштирокида ташкил этилгани туфайли ушбу мамлакатдаги харидорлар билан алоқаларимиз мавжуд. Шу билан бирга, Европадан ҳам қатор салоҳиятли харидорлар корхонамизга келиб, ишлаб чиқариш имкониятларимиз билан яқиндан танишди. Бу учрашувлар келгусида экспорт ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, халқаро бозорга чиқишнинг ўзи етарли эмас. У ерда ўз ўрнимизни топиш, харидор ишончини қозониш ва барқарор ҳамкорликни таъминлаш муҳим. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишлаганда сифат, хавфсизлик, маҳсулотнинг тегишли талабларга жавоб бериши ва етказиб беришдаги интизом ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу сабабли биз ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга ташқи бозор талабларини ҳам доимий ўрганиб боришимиз зарур.

Ҳозир корхонамиз лойиҳасининг биринчи босқичи ишга туширилган. Олдимизда иккинчи босқични амалга ошириш вазифаси турибди. Режамизга кўра, ушбу босқич ҳам ишга туширилгач, корхонага киритилган инвестициянинг умумий ҳажми 15 миллион долларга етади. Бу ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш, кўпроқ маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Келгуси икки йил давомида Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалиги ва уни қайта ишлаш соҳасидаги имкониятларини кенгайтиришга қаратилган, умумий қиймати 40 миллион доллар бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадларимиз бор. Уни рўёбга чиқариш учун янги ҳамкорлик алоқалари, бозор талабларини чуқур ўрганиш ва ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш талаб этилади.

Асосий мақсадимиз — Қашқадарёда етиштирилган маҳсулотларнинг хорижда ҳам ўз харидорига эга бўлишига эришиш. Келажакда АҚШ ёки Европа бозорида корхонамиз бренди остидаги маҳсулотни кўрган харидор унинг ортида Ўзбекистон, хусусан, Қашқадарё деҳқонлари ва ишлаб чиқарувчилари меҳнати турганини билишини истаймиз.

Зеро, вилоятимиз салоҳиятини намоён этишнинг энг яхши йўлларидан бири унинг заминида етиштирилган ҳосилни рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотга айлантириб, дунё бозорига олиб чиқишдир.

# ПРЕЗИДЕНТИМГА БЕРГАН ВАЪДАМНИ БАЖАРАМАН

**Бундан тўрт-беш йил олдин кутилмаганда соғлиғимда муаммо пайдо бўлди. Соғлом юрган киши бехосдан дардга йўлиқса, оғир кечаркан. Қанча ҳаракат қилмайин, барибир саломатлигимни тўлиқ тиклашнинг имкони бўлмади. Натижада иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим.**



**Маърифат ИБРАГИМОВА, касаначи тадбиркор**
*Деҳқонобод тумани*

Очиғи, бу ҳолатдан чиқиб кетишим осон бўлмади. Уйда ўтириб, аҳволим янада оғирлаша бошлаганди. Шунда маҳалламизга бориб, менга бирор ишда кўмаклашишларини илтимос қилдим. Улар ташаббусимни қўллаб-қувватлади, касаначилик билан шуғулланишимга имконият яратадиган бўлди. Дастлаб ўзим каби имконияти чекланган икки аёлни ишга олиб, каштачилик, гиламчиликни йўлга қўйдим.

Вақт ўтиши билан маҳсулотларимизга қизиқувчилар кўпайди. Бу эса ишчи кучига эҳтиёжни яна оширди. Шу тариқа қишлоқ аёлларини ишга жалб этишни бошладим. Биз томонларда гилам тўқиш ва кашта тикишни билмайдиган аёлнинг ўзи йўқ. Уларга бу ҳунарни ўқитиш ҳам шарт эмас, аслида. Шу сабаб улар уйда ўтириб, кашта ва гилам тўқиш орқали даромад топадиган бўлди.

Иш билан овуниб, аста-секин дардни ҳам унута бошладим, даромадим ортиб борди. Қўшимча йўналишлар қўшиб, фаолиятимни кенгайтирдим. Бугун кўрпа-ёстиқ, бешик анжомлари ва миллий ҳунармандлик бўйича ишлаяпмиз. Эллик хотин-қизнинг бандлигини таъминладим. Келгусидаги мақсадларим янада катта.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган йиғилишда бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, Деҳқонобод туманида ҳам катта ишлар амалга ошадиган бўлди.

Йиғилишда мен ҳам сўз олиб, фаолиятим ҳақида гапирдим. Президентимизга келгусида иш ўрнини 100 тага етказишга ваъда бердим. Давлатимиз раҳбари мамнун бўлди, ишларимга ривож тилади. Бундан бошим кўкка етди. Шу куннинг ўзида ишга киришдим.

Режага кўра, қўшимча иш ўринлари очишга имкониятларимиз бор. Хусусан, ҳозир гиламчилик йўналиши бўйича экспорт режалаштирганмиз. Айни пайтда дастлабки босқич ишлари амалга ошмоқда. Насиб этса, келгуси йилдан маҳсулотларимизни хорижга сотишни бошлаймиз. Бу эса яна янги иш ўрни очиш заруратини пайдо қилади. Демак, тез орада Президентимизга ваъда қилганимдек, ишловчилар сони 100 нафарга етади. Муҳими, олис қишлоқ аёллари бандлиги таъминланади. Кўплаб оилаларга даромад, фаровонлик кириб боради.

# ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ ОРТАДИ

**Полвон яхши гапнинг шайдоси бўлади. Агар бир мақтаб қўйсангиз, ундан яхши одам йўқ. Мураббийлик қилаётганимга йигирма йил бўлди. Ёшларга дзюдодан сабоқ бераман. Давлатимиз раҳбари билан суҳбатлашганим менга катта рағбат бўлди. Кучим билагимга сиғмаяпти. Гўёки ёш йигитдек шаштим баланд. Қўйиб берса, ҳар қандай рақибни мағлубиятга учратишим аниқ.**



**Отабек АЛМАРДОНОВ, Қамаши туманидаги 1-спорт мактаби мураббийи**

Ўзим Чим маҳалласида яшайман. Спорт мактабимиз ҳам шу ерда жойлашган. Шу пайтга қадар дзюдо билан шуғулланишга шароитлар етарли эмасди. Мослаштирилган бинода бир амаллаб машғулот ўтказиб юрардик. Энди эса бари бошқача.

Чим маҳалласидаги катта ўзгаришлар натижасида шу ернинг ўзида янги спорт зали бунёд этилди. Барча имкониятлар мавжуд. Ҳозир 50 дан ортиқ ёшлар тўгарак аъзоси. Ҳар куни маҳаллани айланиб, югурамиз. Турли машғулотлар ўтказамиз. Буни кўриб қизиқувчилар кўпайди. Баъзилари “Биз ҳам шуғулласак бўладими?” дея сўрашни бошлади. Ҳатто улар орасида катта ёшлилар бор.


Албатта, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ҳар бир киши учун муҳим. Шу боис, бошқаларни ҳам спортга жалб этишни бошладик. Шундай шароити бор жойда шуғулланмасдан илож ҳам йўқ, аслида. Қишлоқ ўртасидаги шинам спорт зали барча учун доим очиқ. Бундан ташқари, маҳалламиз бугун гўзал масканга айланди. Қанча айлансангиз, сайр қилсангиз, дилингиз яйрайди.

Ёшлигимизда бундай спорт мажмуалари қайда эди?! Фақат далада шуғулланардик. Ҳозиргидек шароит, спорт кийимлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдик. Мусобақаларга қатнашиш тугул, боришнинг ўзи муаммо эди. Бугунги ёшларга қанча ҳавас қилсангиз оз.

Давлатимиз раҳбари маҳалламизга ташрифи давомида спорт залимизни ҳам кўздан кечирди. Шу пайтда машғулот ўтказаётгандик. Биз билан оталарча меҳрибонлик билан суҳбатлашди. Шарт-шароитлар ҳақида сўради. Шогирдларим Хуршид ва Аслбек билан алоҳида мулоқот қилиб, уларга омад тилади. Икки ёш спортчимиз ҳам келгусида жаҳон чемпиони бўлишни ваъда берди. Умуман олганда, тарихий ушбу ташриф маҳалламизга, спорт кошонамизга барака, бизларга сўнмас шижоат, катта мақсадлар олиб келди.

Шу пайтга қадар шогирдларимнинг кўпчилиги турли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган. Эндиликда улар сафини кенгайтириб, Чим маҳалласидан жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига бел боғладим. Насиб этса, бу ҳақда хушхабарлар тарқалиши шубҳасиз.

**Жамият олдига Учинчи Ренессансни бунёд этиш ғояси қўйилган, бу йўлда оламшумул ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган, илму маърифатда, адабиёт, санъат ва спортда беқиёс ютуқлар қўлга киритилаётган бугунги кунда ана шу туйғу — Ватан ва халқ севгиси сув ва ҳаводай зарур.**











Муносабат

# ЭЛ ШОД БЎЛСА, МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАР



**Нурбой ЖАББОРОВ, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, филология фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

## Маърифат булоқларининг очилиши

Қашқадарё азалдан илму урфон маскани бўлиб келган. Воҳадан дунё илм-фани такомилига беқиёс ҳисса қўшган юзлаб Насафий, Кеший, Касбавий, Паздавий нисбали алломалар етишиб чиққани ҳам буни тасдиқлайди. Лекин, афсуслар бўлсинки, аввал чоризм, сўнг шўролар мустамлакаси даврида, кейинчалик эса ана шу мафкура таъсири тўлиқ барҳам топмагани оқибатида ушбу алломалар мероси етарли даражада ўрганилмай келди. Улар орасида энг улуғ мутафаккирлардан бири Абул Муин Насафий мероси Президентимизнинг алоҳида эътибор ва ташаббуси туфайли чуқур тадқиқ қилина бошлади.

Воҳага кечаги ташрифи давомида давлатимиз раҳбари Қашқадарё фарзанди, янги замон ўзбек шеъриятида мактаб яратган улуғ шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони, давлатимиз мадҳияси муаллифи Абдулла Орипов номини ёдга олди.

“Тил байрами нишонланаётган кунда Абдулла Ориповни эслашимиз табиий. “Ўзбекистон — Ватаним маним” деган шеърининг аҳамияти катта. Ҳар сафар зиёлилар билан учрашсам: “Менга Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева етишмаяпти”, деб қайта-қайта такрорлайман. Учовлари билан ҳам сирдош бўлганман. Сирдош деганимнинг сабаби шуки, масалан, Эркин Воҳидов билан кундузи учрашиш мумкин эмас эди. Кечаси стационарга бориб, пиёда юриб, суҳбатлашардик. Бошқа жойларда ҳам учрашардик.

Эшитган бўлсангиз керак, Абдулла Орипов билан биргаликда Зомин семинарини ташкил қилганмиз. Ҳеч ким топшириқ бермаган: шароит ҳам, имконият ҳам йўқ эди. Вагон қўйиб, ёш ижодкорларни йиғиб, семинар ўтказганмиз. Ҳозир шундай замон келдики, тилимизга бўлган эътиборимизни ҳамда миллатимиз ва ўзлигимизга бўлган эҳтиромимизни очиқ билдиряпмиз”, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, Президентимиз буюк шоиримиз Абдулла Ориповни ҳар доим эъзозлаган, унга муносиб ҳурмат бажо келтирган. Устоз ижодкор давлат тадбирларига таклиф этилмай, ёлғизлатиб қўйилганда ҳам ўша кезлари Бош вазир бўлган Шавкат Миромонович мунтазам хабар олиб турган. Ўзаро суҳбатларимизда устоз буни ҳар доим миннатдорлик билан эслар эди. Шоир вафотидан кейин Президентимиз Қарши шаҳрида Абдулла Орипов мактабини ташкил этиш орқали, биринчидан, қадрдон дўстига юксак эҳтиромини билдирган бўлса, иккинчидан, ижодкор ёшларга қанот бағишлади. Бу мактабга кириб ўқишни ҳар бир ўқувчи ҳавас қилади. Натижада қашқадарёлик ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳияти тобора ошиб бормоқда. Ижод мактаби ўқувчилари “Заковат” турнирида ғолиб бўлгани уларга яратилган шароитлар натижасидир.

Вилоятга ташрифи давомида Президентимиз “Китобхон оила” танлови ғолиби Рашидовлар оиласига Тошкент шаҳридан икки хонали уй калитини топширди. Бу орқали келажакда уларнинг фарзандлари пойтахтда ўз уйида яшаб ўқиши учун муносиб шароит яратилишини алоҳида таъкидлади. Бу ёш оиланинг нақадар қувонганига бутун халқимиз гувоҳ бўлди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари ёш, ғайратли ёзувчи Жавлон Жовлиевнинг ижодига юқори баҳо бериб, унга ҳам Тошкент шаҳридан икки хонали уй туҳфа қилди. Президентимизнинг ҳайратга лойиқ фазилатларидан бири истеъдодли ёшларга оталарча меҳр кўрсатиши, уларга янги ижодий ва илмий ғояларни амалга оширишлари учун рағбат бериши, илҳом ва завқ-шавқ улашишидир. Мамлакатимиз ёшлари бундан куч олаётир. Истеъдоди ва ҳалол меҳнати билан орзуларига эришмоғи мумкин эканини чуқур ҳис этаётир. Ватанга ва халққа муҳаббат, китобга бўлган қизиқиш бурч бўлишдан ташқари муносиб тақдирланишига ҳам гувоҳ бўлмоқдалар.

Ана шундай рағбат ва интилиш туфайли Қарши шаҳридаги Президент мактаби “Cambridge” имтиҳонларида республика миқёсида энг юқори натижага эришди. Косонлик Муроджон Ҳалимов SAT имтиҳонида максимал 1600 балл тўплагани янги Ўзбекистон ёшларининг келажаги порлоқ эканидан далолат беради.



Бутун мамлакатимиз ёшлари қатори қашқадарёлик навқирон авлоднинг хорижий тилларни ҳамда замонавий техника-технологияни мукаммал эгаллаши масаласи ҳам давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборида. Келаси йилдан вилоятнинг ҳар бир туманида биттадан мактабда аниқ фанлар чет тилида ўқитилиши, бундан ташқари, барча туманларда робототехника тўгараклари очилиб, ўқувчилар ўртасида ҳар йили чемпионат ўтказилиши белгиланган ёшларнинг илмга интилишини янада кучайтириши аниқ.

Президентимиз Қарши шаҳридаги Илғор касбий маҳорат техникуми ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутаётганига алоҳида диққат қаратди. Техникумнинг 32 нафар устаси яқинда Германияда малака ошириб келгани ва ҳозир вилоятдаги 57 та техникум усталарига ўз билим ва тажрибаларини ўргатаётгани, айниқса, аҳамиятлидир. Германиялик ўқитувчилар ҳар йили 1,5 минг ўқувчига немис тили ва касб ўргатмоқда.

— Ёшларимизнинг эртага билимли, ишли, касб-ҳунарли бўлиши муҳим, — деди давлатимиз раҳбари мулоқот чоғида. — Германияга борганимда хурсанд бўлдим. Биласизларми, бу кичкина масала эмас. Агар болаларимиз касбни мукаммал эгалласа, у ерда уч, ҳатто беш минг еврога-ча ойлик берамиз дейишяпти. Майли, пул ҳам керакдир. Лекин энг асосийси, уларнинг онги, дунёқараши ўзгариб келади. “Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас”, деганларидек, Ватанига бўлган ҳурмати, эҳтироми, муҳаббати ошади. Ота-онаси, гузари, қишлоғи ва хонадонига меҳри ортади. Билимли бўлиб келади. Келгандан кейин қаерда ишлайди? Қашқадарёда, Ўзбекистонда ишлайди-ку. Билим учун, касб учун қанча маблағ керак бўлса, аямаймиз. Сизлар ҳаётда тўғри йўл топиб, даромад топиб, оилани боқиб, келажакда фаровон яшашларингиз учун бу марказларни туздик. Бир дақиқа ҳам вақтингиз бекор ўтмасин. Билинглар, ҳар бирингизнинг келажакдаги ҳаётингиз ўзингизга боғлиқ.

Президентимиз мутасаддиларга туманлардаги мактаб ўқувчиларини Илғор касбий маҳорат техникуми ва янгича методика асосида ишлаётган 57 та техникумга жалб қилишнинг аниқ йўналишларини ишлаб чиқиш топшириғини берди.

Қарши давлат университетига ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари бу олий ўқув юртини илм-фан ва таълим-тарбия юқори даражада интеграциялашган масканга айлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

## Юксалаётган инсон қадри

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёт даражаси фуқаролар осойиши ва улар турмушининг фаровонлигига кўра белгиланади. Ҳазрат Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида эл шод, мамлакат обод бўлишининг асоси адолатда экани ҳақида мана бундай ёзган эди:

*Шаҳеким анга адл бунёд ўлур,*
*Натижа буким, мулки обод ўлур.*

*Чу мулк ўлди ободу халқи ғани,*
*Яқиндурки, маъмур ўлур маҳзани.*

Яъни ҳукмдор агар адолатни таъминласа, мамлакат обод бўлади. Мамлакатнинг обод бўлиши, ўз навбатида, халқнинг бой яшашини таъминлайди. Мамлакат обод бўлиб, халқнинг турмуш фаровонлиги ошса, бу ҳол, ўз навбатида, давлат хазинаси бойишига олиб келади. Демак, мутафаккир бобомиз фикрича, эл шодлиги ва мамлакат ободлиги, биринчи навбатда, адолатга боғлиқ. Президентимиз ҳам масаланинг айни шу жиҳатига жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Адолат устуворлиги ва инсон қадри — ислоҳотларимизнинг пировард мақсади этиб белгиланган бунинг далилидир.

Президентимизнинг Қамаши туманидаги Чим маҳалласига ташрифи натижасида қанчадан қанча кўнгиллар обод бўлганини кўрдик. Қишлоқдаги беш ярим минг аҳолининг қарийб ярми ёшлар эканига гувоҳ бўлган мамлакатимиз етакчиси маҳалла марказидаги ўйингоҳда болалар ва уларнинг оналари билан суҳбатлашди. Ёшлар кутубхонасида китобхон йигит-қизларнинг келажакдаги орзу-ўйлари билан қизиқди. Ўзликни асраш, аждодлардан мерос илмий ва бадиий адабиётларни ўрганиш, ёшларда ижодий тафаккурни ўстириш каби масалаларга алоҳида диққат қаратди.

— Бугун тилимизга, миллатимизга ва ўзлигимизга бўлган эҳтиром тобора юксалмоқда. Одамлар яна китоб ўқишга интиляпти. Ота-боболаримиздан қолган маънавий меросни қайта тиклаяпмиз. Қамашининг Чим маҳалласида ҳам шундай маънавий муҳит, шундай шароитлар яратилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз олий таълим ёруғ келажагимиз ва тараққиётимизнинг асоси эканига алоҳида диққат қаратди. “Илгари ёшларимизнинг 100 нафаридан атиги 9 нафари олий таълимда ўқиган бўлса, бугун 45 нафари ўқияпти, — деди мамлакатимиз етакчиси. — Олийгоҳларни ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларга шароит яратиш катта меҳнат талаб қилади. Лекин Ўзбекистоннинг келажаги учун миллий ғурури бор, Ватанни севадиган кадрлар керак. Мен сизларга ишонаман. Жонажон Ватанимиз, Қашқадарё воҳасининг келажаги сизларнинг қўлингизда”.

Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига ташриф буюрмасин, давлатимиз раҳбари янгидан янги ғоялар, эзгу ташаббуслар билан боради. Янги Қарши шаҳрини бунёд этиш ғояси бунинг яна бир исботидир. Шаҳар Самарқанд — Ғузор ҳамда Шаҳрисабзга олиб борувчи автомобиль йўллари оралиғидаги 5200 гектар фойдаланилмаётган чўл ва яйловдан иборат ер майдонида қурилиши мўлжалланган эътиборга молик. Янги шаҳарда дастлаб 500 минг, келажакда 1 миллион аҳоли яшаши режалаштирилган бўлиб, Қаршига замонавий муқобил бўладиган йирик марказ бўлиши кутилмоқда. Унга вилоятнинг бошқарув идоралари кўчирилиб, конгресс-холл, концерт заллари ва меҳмонхоналар барпо этилиши, йирик халқаро форумларни ўтказиш мумкин бўлган туризм марказига айланиши режалаштирилгани таҳсинга лойиқ. Президентимиз аэропорт ва темир йўл вокзалини янги шаҳар билан туташтирадиган электр жамоат транспорти, зарур бўлса, ер усти метро қатновини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма бергани лойиҳанинг нечоғлик пухта ва узоқни ўйлаб тузилганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбарининг сўзларини тинглар эканман, кўз ўнгимда янги Ўзбекистонга муносиб муҳташам Янги Қарши шаҳри яққол намоён бўлди.

## Ватанни севиш керак

Ватанпарварликни, она халқимизнинг ҳаёти тўкис, кўнгли обод бўлиши йўлида фидойиликни Президентимиздан ўрганишимиз керак. Тўғриси, давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи жараёнларини оммавий ахборот воситаларидан катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатар эканман, ҳайратландим. Тўқимачилик ва оғир саноатдан пахтачилик ва боғдорчиликкача, маҳалладан таълим тизимининг барча бўғинларигача, шаҳару қишлоқлар инфратузилмасини замонавийлаштиришдан йўл-магистраллар барпо этишгача — бу қадар катта кўламли ишлар ҳали биргина вилоят мисолида режалаштирилмоқда. Бошқа вилоятларда ҳам айнан шундай миқёсда аҳамиятли лойиҳалар амалга оширилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бунчалик улкан кўламдаги ислоҳотлар ва бунёдкорлик фаолиятини йўлга қўйиш, уларни бошқариш, раҳбарлардан тортиб, оддий аҳолигача, илму ижод аҳлидан ўқувчи ва талаба ёшларгача — барчага кайфият ва руҳ бериш, Ватан ва миллат йўлидаги катта ишларга рағбат уйғотиш осон эмас. Бундай ишларга ғайрат ва шижоат топиш учун ватанпарвар, халқпарвар бўлиб туғилиш керак. Президентимиз ана шу фазилатларга эга экани барчамиз учун ўрнакдир. Ёдимда муҳрланган бир воқеа: 2023 йили Республика маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ёшлардан бири Президентимизга: “Ҳурматли Президент, Сиз қоронғи кечадан ёруғ тонггача Ватан ва халқ хизматидасиз. Тиним билмайсиз. Бунчалик ғайрат ва шижоатни қаердан оласиз?” деб савол берган эди. “Бунинг йўли оддий, — деб жавоб берди давлатимиз раҳбари. — Ватанни, халқни севиш керак!”.

Жамият олдига Учинчи Ренессансни бунёд этиш ғояси қўйилган, бу йўлда оламшумул ислоҳотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган, илму маърифатда, адабиёт, санъат ва спортда беқиёс ютуқлар қўлга киритилаётган бугунги кунда ана шу туйғу — Ватан ва халқ севгиси сув ва ҳаводай зарур. Ушбу ёниқ туйғуни ёшларимиз қалбига ва тафаккурига чуқурроқ сингдириш барчамизнинг бурчимиздир.

Дил изҳори

# БУ ЭЪТИБОР – КИТОБ, МУТОЛАА ЭЪТИРОФИ

**Ёзувчиликни танлаган одам бу йўлнинг машаққатини ҳам қабул қилади. Чунки адабиётда қилинган меҳнатнинг натижасини олдиндан ҳисоблаб бўлмайди. Бир асар устида йиллаб ишлашингиз мумкин, аммо унинг китобхонга қандай таъсир қилиши, қайси авлод уни қандай қабул қилишини вақт кўрсатади.**



**Жавлон ЖОВЛИЕВ, “Мутолаа” лойиҳаси муҳаррири, ёзувчи**

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Қамашида бўлиб ўтган учрашув ана шу ҳақиқат ҳақида яна бир бор ўйлашимга сабаб бўлди. Давлатимиз раҳбари ижодий фаолиятимни эътироф этиб, Тошкент шаҳридан икки хонали хонадон ажратиш бўйича топшириқ берди. Буни, аввало, оилам ҳаётидаги катта қувонч, ўзим учун эса кутилмаган ва қадрли эътибор сифатида қабул қилдим. Мазкур воқеанинг мен учун аҳамияти фақат шу билан чекланмайди. Бу ижодкор меҳнати, жамиятдаги ўрни ва бугунги адабиётимиз олдида турган вазифалари ҳақида жиддийроқ мулоҳаза юритишга ундади.

Қамаши туманининг Ғиштли қишлоғида туғилиб ўсганман. Адабиётга кириб келишимда қишлоқ муҳитининг, ўша ерда кўрган одамларимнинг, уларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашининг таъсири катта. Қишлоқ ҳаётини фақат соддалик, самимият ёки табиатга яқинлик билан тасвирлаш тўғри эмас. У ерда ҳам инсон тақдири, ижтимоий муносабатлар, орзу ва имкониятлар ўртасидаги муносабатлар бор. Болалигимда кузатган айрим ҳолатларнинг маъносини анча кейин — адабиёт билан жиддий шуғуллана бошлаганимда тушунганман.

Менимча, ёзувчи учун энг зарур хусусиятлардан бири — одатий ҳолдек кўринадиган воқеалар замиридаги муаммони кўра билиш. Адабиёт ҳаётни шунчаки тасвирлаб бермаслиги, инсонни ўзи кўникиб қолган қарашларини қайта кўриб чиқишга мажбур этиши керак. Боиси, жамиятдаги кўплаб муаммолар одамлар уларга кўникиб қолгани учун ҳам узоқ яшайди.

“Қўрқма” романини ёзиш жараёнида мени энг кўп ўйлантирган масалалардан бири миллатнинг тарихий хотираси бўлган. Ўтган аср бошида илм олиш, дунёни таниш, ўз халқининг тараққиётига хизмат қилиш ниятида хорижга кетган ёшлар тақдирига мурожаат қилар эканман, уларнинг ҳаётини фақат тарихий воқеа сифатида тасвирлашни истамадим. Мени кўпроқ бошқа савол қизиқтирди: ўша авлоднинг орзу-интилишлари билан бугунги ёшларнинг мақсадлари ўртасида қандай узвий боғлиқлик бор? Улар ўз олдига қўйган вазифаларнинг қай бири бажарилди, қай бири ҳануз долзарб?

Шу маънода, адабиётни фақат ўтмишни улуғлаш ёки бугунги ютуқларни тасвирлаш воситасига айлантириб қўймаслигимиз лозим. Ҳақиқий адабиёт инсоннинг мураккаб табиатини, жамиятдаги зиддиятларни, даврнинг оғриқли саволларини ҳам очиб бериши шарт. Ёзувчи воқеликка мустақил назар солгандагина асари ўқувчига янги фикр, ғоя бера олади.

Айни пайтда адабиётнинг аҳамиятини фақат китобларнинг адади ёки сотув кўрсаткичлари билан баҳолаш хато бўлади. Асар кўп ўқилиши мумкин, аммо бу унинг бадиий жиҳатдан мукаммаллигини англатмайди. Аксинча, муайян даврда кенг оммалашмаган асар кейинчалик адабиёт тараққиётида муҳим ўрин тутиши мумкин. Шунинг учун бизга китобхонликни оммалаштириш билан бирга, бадиий дидни тарбиялаш, адабий танқидни



ривожлантириш, асарларни жиддий муҳокама қилиш маданияти ҳам зарур.

“Мутолаа” лойиҳасидаги фаолиятим давомида бу масаланинг амалий жиҳатларини янада яқиндан кўряпман. Ҳозирги ёшлар китоб ўқимай қўйди деган фикрни тез-тез эшитамиз. Аммо масалага бундай ёндашиш, назаримда, муаммони ҳаддан ташқари соддалаштиришдир. Аввало, ёшларнинг ахборот олиш усуллари ўзгарганини тан олишимиз керак. Китоб энди инсон диққатини тортиш учун ижтимоий тармоқлар, қисқа видеолар, ўйинлар ва бошқа кўнгилочар воситалар билан рақобатлашмоқда. Бундай шароитда ёшлардан шунчаки кўпроқ китоб ўқишни талаб қилиш билан кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Биз китобни уларнинг ҳаётига қандай олиб кираётганимиз, қандай асарларни тавсия қилаётганимиз, мутолаадан кейин қандай мулоқот муҳитини яратаётганимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Масалан, ўқувчи китобни тугатгач, пайдо бўлган саволларни ким билан муҳокама қилади? У асар қаҳрамонининг қарорларига қўшилмаса, ўз фикрини эркин айта оладими? Мактабда адабиёт дарси фақат муаллиф таржимаи ҳоли ва асар мазмунини ёдлашдан иборат бўлиб қолмаяптими? Менимча, китобхонлик маданиятини ривожлантиришда ана шу саволларга жавоб топиш ҳам муҳим.

Президентимиз “Ёш китобхон оила” республика танлови ғолиблари Бахтишод Рашидов ва Эъзоза Хушвақтовага ҳам Тошкент шаҳридан икки хонали хонадон ажратиш бўйича топшириқ берди. Бу воқеада мен, аввало, интеллектуал меҳнатнинг эътирофини кўраман.

Одатда жамиятда муваффақият деганда моддий фаровонлик, касбий мартаба ёки тадбиркорликда эришилган натижалар кўпроқ кўзга ташланади. Илм олиш, китоб ўқиш, ўз устида мунтазам ишлаш эса натижаси дарҳол кўринмайдиган фаолиятдир. Ҳолбуки, ҳар қандай соҳадаги жиддий тараққиёт замирида билим ва тафаккур ётади. Китобхон оиланинг ютуғи давлат даражасида эътироф этилиши билимга сарфланган вақт ва меҳнат ҳам қадрланишини кўрсатади.

Эътибор ижодкорнинг масъулиятини камайтирмайди, аксинча, оширади. Чунки адабиётга билдирилган ишончнинг энг муносиб жавоби янги ва пухта асарлар бўлиши керак. Ёзувчи ўз олдига қўйган бадиий талабларини пасайтирмаслиги, китобхон билан самимий ва ҳалол мулоқотни сақлаб қолиши лозим.

Президентимизга ижодий фаолиятимга эътибори ва оиламга билдирилган ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдираман. Бу мен учун катта рағбат, айни пайтда зиммамдаги вазифаларни янада теран англаш имкониятидир.

**Қашқадарё вилоятидаги бунёдкорлик ишлари халқимизнинг буюк келажакка ишончини янада мустаҳкамлади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт жамоли жилоланиб, жилва қилаётгани Қашқадарё камолида кўринаётир. Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 24 октябрь, 221-сон

Ифтихор

# ТАРАҚҚИЁТ ЖАМОЛИ — ВОҲАНИНГ КАМОЛИ



**Рустам МУСУРМОН,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири**

**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг ардоқли шоири Абдулла Орипов 1970 йилда ёзган “Қарши қўшиғи” сарлавҳали шеърида:**

***Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил саҳро бари,***
***Фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмга.***
***Унча ҳам сулув эмас саҳронинг жонзотлари,***
***Насрга ярашмаса. ярашмайди назмга,***

**дея армон билан юрак дардини изҳор этган, Ватанга муҳаббатини бетакрор шеърий санъат билан мағрур куйлаган эди. Бироқ устознинг ўша шеърдаги “Бу жойлар обод бўлар албатта эртаиндин”, деган башорати айнан бугунги ислоҳотлар тимсолида рўёбга чиқаётгани, қашқадарёликлар ҳаётини мисли кўрилмаган даражада ўзгартираётгани айни ҳақиқат. Улуғ шоирнинг орзу-армони ушалаётганига амин бўлиб турибмиз.**

Олтмиш йиллар аввалги тарихни эсласам, қўрқиб уйғонгандек бўламан. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Якқатут қишлоғида туғилганман. Болалигимиз мактаб синфхоналарида дарс ўқиш, илм олиш эмас, пахта даласида меҳнат қилиш билан ўтган. Ғўзалар қўш қулоқ бўлиб тупроқни ёриб чиққанидан пахта теримигача, ҳатто илдизи билан ўрилган ғўзапояларни дасталаб, ғарам-ғарам қилиб тракторларга ортиб, ташиб кетилгунгача бўлган вақт — эрта баҳордан қаҳратон қиш бошлангунгача бўлган фаслда ота-онамиз билан бирга далада меҳнат қилар эдик. Лекин косамиз оқармасди.

Бугун Қашқадарёда рўй бераётган ўзгаришлар, вилоятнинг тараққиёт йўлига чиқиб бораётгани, бу ерга жаҳоннинг энг замонавий ва илғор технологиялари жалб этилаётгани, хорижий инвестициялар кириб келаётгани шу юртда туғилиб ўсган бир ижодкор сифатида менга ниҳоятда улкан фахр ва ифтихор бағишлайди. Президентимиз ташрифи доирасида Қашқадарёда 69 та лойиҳа ишга туширилгани, яна 92 тасининг қурилиши бошлангани хушхабаридан ниҳоятда ҳаяжонландим.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни амалга ошган ушбу тарихий ташриф доирасида мисли кўрилмаган даражадаги бунёдкорлик ишлари бошлангани биз, ижодкорлар учун қўшалоқ байрам бўлди. Ушбу қутлуғ айём куни кўзимиз давлатимиз раҳбари қадами етган манзиллардаги тарихий тадбирлар ёритилаётган ойнаи жаҳонда, интернет тармоқларида, қулоғимиз Қашқадарёда, хаёлимиз халқимизнинг келажакда бениҳоя тараққий этадиган ҳаётида бўлди десам, муболаға эмас.

Қашқадарё фаоллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари сўнгги беш йилда вилоятга 20 триллион сўм йўналтирилиб, 7 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинганини қайд этди. Хомашёни чуқур қайта ишлашга қаратилган минглаб лойиҳалар ишга туширилди, аҳоли жон бошига даромад уч баравар ошди. Президентимиз асосий мақсад ва эътиборни меҳнаткаш халқни бой қилишга қаратиб, **“Энди етиштирилган маҳсулотни вилоятнинг ўзида чуқур қайта ишлаб, воҳа аҳолисининг муносиб даромад топишига шароит яратиш керак”,** деди. Айни шу мақсадни амалга ошириш учун Қашқадарёда умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд бўлган 161 та лойиҳа тайёрлангани таъкидланди.

Косон, Миришкор, Касби туманларида Италиянинг “Cotonella” бренди билан ҳамкорликда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга, Нишон, Ғузор туманларида Миср ва Покистон инвесторлари билан ҳамкорликда картошкачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилаётгани нур устига нур бўлди. АҚШлик ҳамкорлар иштирокидаги “Wosune Food Ingredients Karshi” корхонаси 3,5 минг гектар майдонда етиштириладиган 100 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослашган. Бу корхона 40 миллион долларлик маҳсулотини “Nestlé” ва “Purina” каби халқаро брендлар учун экспорт қилади.

Китоб туманида Озарбайжон билан ҳамкорликда олтин қазиб олиш лойиҳаси бошлангани, Шаҳрисабз туманида эса россиялик инвесторлар билан 300 миллион долларлик дор йўли, меҳмонхона ва тоғ-чанғи курорти мажмуасини ташкил этиш кўзда тутилгани табиат мўъжизасига айланган ҳудудни нақадар ўзгартириб юборишини ҳаяжон билан тасаввур қила бошладим.

Президентимизнинг “2027 йил Қашқадарёни замонавий саноат ва агротехнологиялар асосида ривожлантириш йили бўлади”, деган сўзлари қашқадарёликларга нақадар қувонч ва шодлик, фахру ифтихор бағишлаган бўлса, юртдошларимиз зиммасига шунчалик катта масъулият ҳам юклаганини теран ҳис этдим.

Қашқадарёда шўро даврида фақат пахта етиштириларди. Ҳатто қуш қаноти, одам оёғи куядиган чўлларга ҳам пахта экиларди. Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги билим юртлари муаллимлари ва ўқувчилари пахта йиғим-теримига Муборак, Миришкор чўлларига сафарбар этиларди. Деҳқонлар, тракторчилар, ишчилар карвони чўл ўзлаштиришга йўл оларди. Қишлоғимиздан ҳам анча-мунча оилалар чўл қувишга кўчиб кетган. Одамлар “оқ олтин”ни беш миллион, олти миллион тоннага етказамиз деб, кечаю кундуз пахта терган. Ҳамқишлоғимиз Ҳусан амакининг Холбобо исмли ўн олти яшар ўғли пахта даласида жувонмарг бўлган. Тунда ярмигача пахта ортилган тележканинг устида ухлаб қолган. Пахта териш машинасида терилган пахтани билмасдан унинг устига ағдариб юборишган. Тракторчи пахта қабул қилиш марказига бориб, тележкадаги юкни хирмонга ағдармагунча ҳеч ким кўрмаган. Пахта монокультураси одамларнинг шўрини қуритганига фожиали мисоллар кўп. Қашқадарёда “пахта иши” деб ноҳақ қатағон қилинган ҳамюртларимни эсласам, ҳануз дилим оғрийди.

Мустақиллик йилларида Китоб тумани боғдорчиликка ихтисослашди. Одамлар ота-бобоси илгаридан қилиб юрган касб билан шуғуллана бошлади. Китоб олмаю узумлари, анори билан машҳур. Далада экин экасанми ёки боғ яратасанми, техника ниҳоятда зарур. Қишлоқда энг зўр касб — тракторчилик. Тракторчига ҳамманинг иши тушади. Помидор терасанми, буғдой ўриб, сомон йиғасанми, доимо тракторга муҳтож бўласан. Шунинг учун икки ёнимиздаги қўшниларимиз оиласи билан тракторчи. Тракторчилик яхши, бировнинг ҳожатини чиқарасан, юкини ташиб бериш, ерини ҳайдаш эвазига уч-тўрт сўм пул ишлайсан. Лекин ўша тракторчиларнинг азобини ҳам кўрганман.

Шўро давридан қолган эски трактор тез-тез бузилиб қолади. Қўшниларим трактор остидан чиқмайди, усти-боши мой, қоракуя. Эҳтиёт қисмларни топиш амримаҳол. Солярка топса, автол топмайди, автол топса, мотор ишдан чиқади, ғилдиракнинг резинаси тўзади. Тракторни бошқаси шатакка олиб, металл арқонда судраб уйга олиб келади. Бир вақтлар Американинг баҳайбат тракторлари ҳам қишлоқ хўжалигига жорий этилди. Барибир ўзингникига етмайди-да!

Қарши шаҳрида “Nasaf” бренди остидаги тракторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани деҳқон билан боғбоннинг оғирини енгил қиладиган бўлди. Президентимиз Қарши шаҳридаги “FM World” корхонаси фаолияти билан танишди. Ушбу ишлаб чиқариш иншооти Хитойнинг “Jiangsu World Group” корпорацияси таркибига киритилган.

Беш гектарли, 12 минг квадрат метр майдондаги ҳудудда ишлаб чиқариш биноларни барпо этилган. Унда 200 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқаришнинг айрим жараёнлари автоматлаштирилган. “Nasaf” бренди остида корхонада беш хил русумдаги тракторлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси йиғилмоқда. Тракторлар GPS, автопилот, ўғитлашни бошқариш ва масофадан назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланган.

Тракторларни йиғишда маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоизни ташкил этади. Корхонанинг ўзида 138 турдаги деталь ва бутловчи қисм ишлаб чиқарилмоқда. Бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳаллий корхоналар билан кооперацияни кучайтириш орқали маҳаллийлаштириш даражасини босқичма-босқич ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Йиллик экспорт ҳажмини 50 миллион долларга етказиш, маҳсулотларнинг 30 фоизини қўшни давлатларга етказиб бериш режалаштирилган. Фермерлар учун бундай техника ишлаб чиқарилаётгани, қулай имкониятлар яратилаётгани амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар самарасидир.

Мамлакатимизда бадиий адабиётни ривожлантиришга, ёзувчиларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга юксак эътибор қаратилмоқда. Президентимиз қарорига биноан Қарши шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ташкил этилгани истеъдодли ёшларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликнинг юксак намунасидир. Ташриф давомида давлатимиз раҳбари китобхон ёшлар билан учрашиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, истеъдодли ёзувчи Жавлон Жовлиевга Тошкент шаҳридан икки хонали хонадон ажратиш ҳақида топшириқ бергани адабиётимиз келажаги йўлидаги оталарча ғамхўрлик ва меҳрибонликдир.

Бадиий адабиётга қаратилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ, кейинги беш йил давомида 25 номдан зиёд муаллифлик китобларим Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида нашр этилди. Юз жилдли “Рус адабиёти дурдоналари”, юз жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” китоблар туркумида таржималарим чоп этилди. Жаҳон шеъриятининг улуғ намояндалари Шандор Петёфи, Ажиниёз, Бердақ, Ибройим Юсупов шеърий тўпламларини, Ўзбекистон халқ шоирлари Александр Файнберг, Бахтиёр Генжамуроднинг шеърий тўпламлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари Кенгесбой Каримов, Шарап Уснатдинов, Ўрозбой Абдураҳмонов романларини ўзбек тилига таржима қилдим. “Бозбарак”, “Бир жуфт сўз” шеърий китобларим давлат ҳисобидан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида босмадан чиқди ва олий ўқув юртлари, мактаблар, маҳаллалар кутубхоналарига беғараз тарқатилди. Янги замон шарофати билан 2023 йилда эълон қилинган шеърий таржима бўйича халқаро танловда қатнашиб, Венгрияда Шандор Петёфи номидаги мукофот билан тақдирландим. Ёзувчи меҳнати рўёбга чиқадиган олийшон, олиймақом, олижаноб замон келди.

Қашқадарё вилоятидаги бунёдкорлик ишлари халқимизнинг буюк келажакка ишончини янада мустаҳкамлади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт жамоли жилоланиб, жилва қилаётгани Қашқадарё камолида кўринаётир. Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!



# БУЮК УЙҒОНИШ

**Боболарим ҳамиша давлат қурган, боғ қилган,**
**Пок иймон неъматига шукрин беадоқ қилган.**
**Шавкатли аждодлардек шавкатли фарзандинг бор,**
**Элнинг кўнглини олиб, димоғини чоғ қилган.**

**Элнинг асл ўғлонин пойқадами — гул, баҳор,**
**Халқимнинг ҳалол ризқи — бу буғдойзор, пахтазор.**
**Янги Ўзбекистоннинг мангу яшил боғлари,**
**Соҳибқирон боғлари янглиғ яшнаган Ғузор.**

**Чўллар чаманзор энди, куйлар юрагим — бахши,**
**Минг шукр, кундан кунга давру маконлар яхши.**
**Оқсаройдан кўзини узмай боққан, эй жаҳон,**
**Мунаввар келажакнинг бошида — Янги Қарши!**

**Олам ҳамиша ташна бир покиза хитобга,**
**Кўзларни қамаштирган Қамашида офтобга.**
**Шоҳона зарбоф чопон — юрт эгаси берган уй —**
**Бу улуғ меҳр шаксиз бир адибга, китобга.**

**Бугун Буюк Уйғониш — миллатнинг истиқболи,**
**Истиқболига чиққай яйраб-яшнаб иқболи.**
**Қашқадарё, абадий тўлиб оқар дарёсан,**
**Дилбандлари юртимнинг — умримиз асал-боли.**

**Омон бўлсин халқимнинг орзулаган муждаси,**
**Қутлуғ бўлсин яхшининг бу қадам ранжидаси.**
**Бутун оламни хушбўй ифорга тўлдиргайдир**
**Янги Ўзбекистоннинг ҳаётбахш шабадаси!**

**Ғайрат МАЖИД**

# Кўҳна юрт қўшиғи

**Қуръон кўчирмоқ учун йўнди қамиш хомалар,**
**Арабий имло билан битди илмий номалар,**
**Ота-бобоси Кеший, Насафий алломалар,**
**Дунёларни уйғотди Биринчи Ренессанс.**

**Мўр-малах каби қўшин тортганда ёвуз хоқон**
**Шаҳарлар вайрон бўлди, зулматга чўмди жаҳон,**
**Қашқадарёдан қуёш порлади — Соҳибқирон,**
**Дунёга нур таратди Иккинчи Ренессанс.**

**Али Қушчи — Улуғбек шогирди амирзода,**
**Навоий ҳам, Бобур ҳам мирзо — темурийзода,**
**Авлиёлар дуоси бирла кўнгил озода,**
**Юртни обод айлади Уйғониш — Ренессанс.**

**Қаршида ҳам эрк учун жон бергандир шаҳидлар,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий каби мулло жадидлар,**
**Юрт учун, Ватан учун увол бўлган йигитлар,**
**Ўзбекистон байроғи Уйғониш — Ренессанс.**

**Юлдузларни кашф айлар Китобда расадхона,**
**Сайёралар хат йўллар Майданакка пинҳона,**
**Абдулла Ориф ҳамон шеър ўқир дона-дона,**
**Озодлик, Мустақиллик, Уйғониш — Ренессанс.**

**Ёшлар миллатни севган аждодларнинг зурриёти,**
**Навқирон бунёдкорлар Амир Темур авлоди,**
**Албат ижобат бўлгай халқимизнинг муроди,**
**Орзумиз, мақсадимиз Уйғониш — Ренессанс.**

**Ҳар соҳада чўнг хирмон, ҳар бошоқда олтин дон,**
**Ер юзига тушгандек бамисоли каҳкашон,**
**Жаҳонда олтин узук Қарши, Муборак, Нишон,**
**Халқимнинг саодати Уйғониш — Ренессанс.**

**Президент бел боғлади, халқимиз камарбаста,**
**Буюк тарихимизга замонамиз вобаста,**
**Фарзандлар улғаймоқда, келажагимиз раста,**
**Дунёларни уйғотар Учинчи Ренессанс.**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:00 Топширилди — 00:30